# ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ—ҲАММАМИЗНИИГ ИШИМИЗ





## АСТОЙДИЛ БЕЛ БОҒЛАДИК

**ЯНГИЙУЛ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БУЛИМИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ БУЛИНМАСИ БОШЛИҒИ, МИЛИЦИЯ ПОДПОЛКОВНИГИ КОМИЛХОН ТУРСУНОВ БИЛАН СУҲБАТ**

**— Комилхон Турсунович, маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан уюшган ҳамда иқтисодий жиноятчиликка қарши муросасиз кураш бошлаб юборилди. Деярли ҳар куни радио, телевизорда, газеталарда катта-катта гуруҳлар, ҳаддидан ошган ташмачилар, тижоратчи ниқобини кийиб олган ҳаромхўрлар, рэкетчию, қинғир савдо ходимлари қўлга туширилганлиги ҳақида ахборотлар берилмоқда. Янгийўл аҳолиси зич, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар кўп жойлашган шаҳарлардан бири. Табиийки, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси ходимларига бу ерда иш етарли бўлса керак?**

— Тўғри айтдингиз, Янгийўл шаҳрида 64 минг аҳоли истиқомат қилади. Бизда республикада машҳур «Лаззат», консерва, вино заводлари, ёғ-мой комбинати бор. Пул қадрсизланиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчил бўлиб турган бугунги кунда азалдан бирни ўнга сотиб, халққа аталган маҳсулотларни яшириб, фақат ўзи бойвачча бўлиб яшашни мақсад қилиб олган кимсаларга худо берди: улар орқа-олдиларига қарамай мол-дунё йиғишга тушдилар, яна ҳам тўғрироғи бешала панжаларини оғзиларига тиқдилар. Ана шундай нусхалар шаҳримизда истаганча топилади. Бўлинмамиз ташкил этилган кундан бошлаб, эл-юрт ризқига чанг солаётганларга қарши муросасиз курашмоқдамиз.

Ўзингизга маълум, илгари 9—10 тийин турадиган тухумлар 16—18 сўмга чиқиб кетди. Рўзғорчилик-да, одамлар қиммат бўлишига қарамай олишга мажбур. Масалан, К. Исмоилов деган шахс чимкентлик А. У. билан келишиб, 79 минг 200 дона тухумнинг ҳар бир донасини 10 сўм 50 тийиндан олиб, 16 сўмдан сотаётганда қўлга туширилди. Агар у шу тухумларни чайқов нархида пуллашга улгурганда нақд 148 минг сўм фойда кўриши мумкин эди.

Биз шаҳар ҳокимияти, прокуратура, давлат назорати комитети билан биргаликда белгиланган режа асосида тижорат дўконлари ва бошқа магазинларни текшириб турибмиз. Яқинда Чехов кўчасидаги «Нозима» тижорат дўконида ўзимизда ва ҳамдўстлик мамлакатларида ишлаб чиқарилган 361 минг 35 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари борлиги аниқланди.

**— Биздаги айрим маълумотларда шаҳар ёғ-мой комбинатида давлат мулкини ўғирлаш, талон-торож қилиш ҳоллари рўй бераётганлиги айтилган. Шаҳар иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси ана шунга қарши қандай кураш олиб бормоқда?**

— Бултур корхонада тўқизта жиноят содир этилди. Айниқса, одамлар «Нахаловка» деб атайдиган қишлоқ аҳолисининг баъзилари шу ерда жойлашган комбинат маҳсулотлари билан муттасил чайқовчилик қилади. Масалан, Гулистон кўчасида яшовчи Ж. исмли киши 1 тонна шелухани 5 минг 200 сўмга сотиб, 2600 сўмлик фойдасини ҳисоблаб турганда қўлга туширилди. «Интернационал» кўчасида яшовчи З. исмли аёлнинг уйидан сотиш учун тайёрлаб қўйилган 395 кило пахта, мойи, 1621 дона хўжалик совуни топилди.

Хуллас, бўлинмамиз ходимлари ёғ-мой комбинати ва бошқа корхоналарни ҳушёрлик билан кузатиб турибдилар. Ўйлайманки, амалга ошираётган тадбирларимиз давлат мулкини талон-тарож қилинишига чек қўяди. Биз ана шу мақсад йўлида курашяпмиз.

**— Спиртли ичимликларга қанчалик баланд нарх қўйилмасин, ичадиганлар пулларини совуриб ичаверадилар. Баъзи иоинсоф жинояткорлар эса ана шу ичувчилар пулларн иншабини ўз ҳамёнларига тўғрилаб, минг-минглаб фойда орттирмоқдалар. Ачинарлиси шундаки, қалбаки ароқлардан қанчадан қанча кишилар бир умр ногирон бўлиб қолмоқдалар, ҳаётдан бевақт кетмоқдалар. Янгийўл шаҳрида ҳам шу хилдаги воқеалар рўй бериб турадими?**

— Қалбаки спиртли ичимликлар тайёрлаш «ҳунари» фақат Янгийўлдагина эмас, балки кўпгина шаҳарларда учраб турибди, бундай иш билан қўлга тушаётганлар текширишларда маълум бўлмоқда. Фойда орқасидан тушганлар ичувчиларга «ғамхўрлик» қилиб, тайёрлайдиган вино, ароқларини махсус текширишлардан ўтказишармиди. Уларнинг шиори шундай: «Мен сотаман, уни ичиб ўласанми-қоласанми, ишим йўқ!». Янгийўллик Толиб Миржалолов деган шахс ҳам ўз махфий корхонаси ишини юргизаётган экан. У қалбаки ароқ тайёрлаш учун Янгийўл биохимия заводи қоровули билан келишиб, катта миқдорда техника спиртини ўғирлаган. Унинг уйидан 40 литр техника спирти, сотиш учун тайёрлаб қўйилган 20 литр ароқ, шишаларнинг тиқинлари, этикетлари, ароқ тайёрлаш мосламалари топилди.

Ўзингиз биласиз, «Халқобод» коньяги арман коньягидан ўтса ўтадики, қолишмайди. Шунинг учун ҳам қалбаки ичимлик тайёрловчилар бундан фойдаланишга уринишмоқда. Масалан, янгийўллик Алишер Кенжаев ўз уйида коньяк «цехи» очиб, савдосини қизитаётганлигини аниқладик. Унинг уйи тинтув қилинганда 400 шиша «Халқобод» коньяги, пишаларнинг ҳар икки томонига ёпиштириладиган этикеткалар, мосламалар чиқди. «Кичик корхона» эгаси ҳар бир шиша коньякни 650 сўмдан пуллаган.

«Интернационал» кўчасида яшовчи Абдуҳолиқова Малика шампань виноларини чайқов нархида сотаётганда қўлга тушди. Уйидан эса қайта сотиш учун тайёрлаб қўйилган 50 шиша шампань виноси топилди. М. Абдуҳолиқовага нисбатан Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 175-моддаси, 1-қисми билан жиноий иш қўзғотилган.

Фурсатдан фойдаланиб, муштарийларга айтмоқчиманки, ҳар хил шубҳали кимсалардан ароқ, вино ёки коньяк сотиб олманг. Қалбаки ичимликлар бир кунмас бир кун хонадонингизга кулфат келтириши мумкин. Халқни заҳарлаш эвазига фойда кўраётган виждонсиз қаллобларга қарши курашда сизлар ҳам бизга ёрдам беринг, улар ёнидан бефарқ ўтиб кетманг.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда катта тезкор вакил, милиция майори Суннат Амиров, милиция кичик лейтенанти Шавкат Шомудинов, милиция лейтенантлари Шавкат Алимов, Улуғбек Хўжаевлар алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, бўлинмамиз ходимлари шаҳар ҳокимияти, прокуратура билан ҳамкорликда жиноятчиликка қарши курашни кучайтирмоқдалар.

Суҳбатдош: Э. ҚОСИМОВ.

## ДЎКОНГАМАС, ПАНАГА...

**ЁКИ 6 ТОННА МАРГАРИННИ ГУМДОН ҚИЛИШГА УРИНГАН НОИНСОФЛАР ҲАҚИДА**

Ҳозир уй бекаларидан маргарин керакми?» деб сўрасангиз, худди Ҳизрни учратгандек хурсанд бўлиб кетишади. Негаки, ҳозир маргарин ҳам, сариёғ ҳам, пахта ёғи ҳам ноёб бўлиб қолди. Бунинг сабаби халқ ризқига чанг солиб, ана шундай энг зарур маҳсулотларни чайқов нархида пуллаш учун ўмараётганлар кўп. Қимматчиликни, тақчилликни айнан шундай ноинсофлар келтириб чиқаришяпти. Ҳеч кимга сир эмас, ойлаб дастурхони сариёғ кўрмайдиган оилалар бор. Лекин текинхўр чайқовчилар сариёғнинг ҳар бир килосини 650—700 сўмдан пуллашмоқда.

Республикамизда, жумладан вилоятимизда ва Тошкент шаҳрида ҳам иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши кураш куи сайин кескин тус олмоқда. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш, бўлимининг тезкор гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовордир.

Тезкор гуруҳ яқинда шаҳар аҳолиси учун мўлжалланган маргаринлар дўконларга етиб бормай, қаёққадир ғойиб бўлаётганини аниқлашга киришди. Натижада бир неча юлғичлар қўлга олинди. Бунинг учун бир неча кун кузатув ишлари олиб борилди. Тошкент ёғ-мой корхонасидан маҳсулот ташувчи юк машиналари назорат остига олинди.

Шу йил 21 январь куни 06-54 ТНБ номерли «ГАЗ-53» юк машинасида корхонадан 705-рақамли ҳужжат бўйича 6 тонна (300 қути) маргаринни савдо тармоғига олиб кетаётган ҳайдовчи Р. С.нинг ҳатти-ҳаракатлари шубҳали сезилди. Уни кузата бошладилар. Ҳайдовчи маргаринни Бектемир районидаги 12-озиқ-овқат магазинига етказиб бериши керак эди. Лекин у машинани магазинда эмас, Юнусобод районининг Мирзахўжаев кўчасидаги 11-уй олдида тўхтатди. Бутун йўл давомида «Жигули» енгил машинасидаги икки «фахрий қоровул» шериклар кузатиб келдилар. Ўғирлаб келингаи юкни Р. С.нинг шериклари — уй эгаси ҳамда М. А. ва Х. Ф.лар яшираётганларида қўлга олиндилар.

Содир бўлган жиноий иш юзасидан ўтказилган дастлабки текшириш-тинтув, савол-жавоблардан қуйидагилар маълум бўлди:

Шу воқеа бўлиб ўтмасдан бир кун олдин 1-Тошкент тиш даволаш поликлиникасида тиш техниги бўлиб ишлаётган М. А. Тошкент ёғ-мой корхонаси дарвозаси олдида ҳайдовчи Р. С. билан маргаринни қўлга киритиш режасини тузганлар. Тиш технигининг айтишича, 6 тонна маргарин савдо-сотиғи 780 минг сўмга «бор-барака» қилиш билан тугаган. У ҳамкасб шериги — шу поликлиника тиш дўхтири Х. Ф., ҳовли эгаси С. Р. билан биргаликда маргаринни патир нон ёпувчи новвойларга чайқов нархида пуллаш тўғрисида тил бириктирганлар. Агар улар қўлга тушмаганларида 450 минг сўмлик нақд фойдани ўртада бўлиб олишган бўларди. (Ҳар бир қути маргариннинг давлат нархи 1100 сўм, чайқовчилар эса 2600 сўмдан пуллаганлар).

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати, транспорт бирлашмасига қарашли бош автохўжалик раҳбарлари нима учун илгари икки марта қўлга тушиб товбасига таянмаган Р. С.га катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ташишни ишониб топширдилар?

Шаҳар прокурори ижозат-тасдиғи билан фуқаролар Р. С., М. А., К. Ф. лар ҳибсга олиниб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Тергов давом этмоқда. Қайтариб олинган маргарин эса очиқ савдога қўйилиб, аҳолига давлат нархида сотилди.

М. НУРИДДИНОВ.





● СУРАТЛАРДА: (юқорида, чапда) К. Турсунов навбатдаги операция олдидан ходимлар билан суҳбатлашмоқда; қўлга туширилган ва мусодара этилган маҳсулотлар.

**ОҲАНГАРОН ЯНГИЛИКЛАРИ**

### АЛОҚА ЙЎЛЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

КЕЙИНГИ пайтда район қишлоқларидаги хонадонларнн телефон алоқалари билан боғлаш анча яхшиланди. Ҳозирги кунда тумандаги Қорахтой қишлоғида 150, Теловда 100, Куюнда 30, От заводи аҳоли пунктида 50, Сусам қишлоғида 100 хонадон бевосита Тошкент ва бошқа шаҳарлар билан телефон орқали гаплашиш имконига эга. Район маркази билан «Радан» аппаратлари ёрдамида Кўчбулоқ аҳоли пункти, Собир Раҳимов ва Алишер Навоий номли хўжаликнинг марказлари боғланадиган бўлди. Шунингдек, бу йил Оқтов қишлоғини ҳам «Радан» орқали район маркази билан боғлаш режалаштирилаётир.

●

### ЯНГИ РАДИО ТАРМОҒИ

ҚОРАХТОЙДА янги радиоузел ишлайдиган бўлди. Бу ерга катта қувват билан ишлайдиган ускуналар ўрнатилди. Энди нафақат қорахтойликлар, балки Тутқишлоқ, Унгут, Ялпоқтепа, Оқтепа аҳоли пунктларида истиқомат қилувчилар ҳам қишлоқ радиоузелидан манфаатдор бўладилар.

●

### КАСАНАЧИЛАР

РАЙОННИНГ Оқтов қишлоғида доимий иш билан банд бўлган кишилар саноқлигина бўлиб, бу ерда асосан чорвадорлар истиқомат қилишади. Ишсизлар сони эса анчагина. Район меҳнат биржаси шуни эътиборга олиб, Оқтовда касаначи ишчиларнинг бошларнни бир жойга қовуштирди: бу ерда тивит рўмоллар, жундан ҳар хил олача ва шолчалар тўқийдиган артель очди. Ҳозирча артелда ўндан ортиқ аёллар ишлашмоқда.

Касаначилар ишлаб чиқараётган маҳсулотларга харидорлар талаби кун сайин ортиб бормоқда. Бундай артель туманнинг Санам қишлоғида ҳам иш бошлаган эди.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

**ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ**

## ТАДҚИҚОТ МУАЛЛИФИГА ГУВОҲНОМА

Бугунги кунда уруғчиликни илмий асосланган усулларда кескин ривожлантириш деҳқончилик фани олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланадн. Бу соҳани зарур илмий-ташкилий тавсиялар бнлан қуроллантириш йўлида Ўзбекистон толали экинлар тажриба станциясида самарали изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий тажриба марказида уруғларнинг бир текис ва соғлом униб чиқишини таъминлашга қаратилган техникавий янгиликлар амалга оширила бошланди. Изланувчан олим Х. Умаров қўл урган тадқиқот ҳам ўзининг кўпгина афзал томонларига эга. Жиддий изланиш маҳсули сифатида «Уруғлар унувчанлигини баҳолаш учун қурилма» юзага келди.

Ушбу техника ижодкорлиги уруғчилик сифатини оширишда муҳим техникавий восита бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотнинг юқори илмий-амалий самарадорлиги юқори баҳо олди ҳамда унинг ижодкори Ҳ. Умаровга муаллифлик гувоҳномаси берилди.

## САМАРАЛИ ТАВСИЯЛАР

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти лаборатория ва тажриба майдонларида бир қанча мавзуларда жиддий кузатишлар олиб борилмоқда. Истиқболли пахта навларини яратишга қаратилган изланишларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Селекциядаги янгиликлар уларни деҳқончиликда кенг амалий татбиқ этиш бўйича ишлаб чиқилаётган тавсияларда ҳам ўз ифодасини топяпти. Ўтган йилнинг ўзида бундай фойдали тавсиялардан бир қанчаси юзага келди. «Ғўза етиштиришнинг жадал технологияси», «Ғўзаларни пушталарда етиштириш технологияси», «Пахтачилик минтақасида тупроқ эрозиясига қарши кураш» деб номланган тавсиялар пахтачиликда яхши самара бера бошлади.

Бундан ташқари «Гидромодул районлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини суғориш тартиби», «Пахта—беда алмашлаб экишни жорий этиш ва уни ўзлаштириш бўйича тавсиялар» сингари ишланмаларда ҳам кўп йиллик тажрибалар ўз ифодасини топди.

Бу каби пухта тайёрланган ишлардан дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича 282 минг сўмга яқин иқтисодий самара кўриш кўзда тутилмоқда.

А. АЛИЕВ.

## ОЛИМААР ТАКЛИФИ АСОСИДА

Ўзбекистон Фанлар академияси сейсмология институти олимлари Тошкентдаги Юнусобод даҳаси тупроғи хусусиятларини ўргандилар. Уларнинг тавсияларига кўра, бу ерда инженерлик коммуникациялари билан таъминланган ҳудудларда уйларни зичроқ қуриш мумкин, бу эса тўққиз қаватли уйларни бунёд этишга кетадиган вақт ҳамда ҳаражатларни камайтириш имконини беради.

Атиги ярим йил ичида учта ана шундай уй қурилди ва тақсимлаб берилди. Сейсмологларнинг тавсиялари асосида Юнусобод даҳасида яна 15 та кўп қаватли уй қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

(ЎзА мухбири).



## ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРУВЛАР

**УРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙУЛИНИНГ ТОШКЕНТ ЙУЛ ДИСТАНЦИЯСИ**

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФУҚАРОЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Яшамоқ бахти инсонга бир маротаба берилади. Ўз ҳаёти ва саломатлигини қадр билган ҳар бир киши кутилмаган ҳар қандай хавф-хатардан, бахтсиз ҳодисалардан доим фориғ бўлиши керак. Бу, аввало ўзингизга, йўл ҳаракати тартиб-қоидаларига қанчалик риоя эта билишингизга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Азиз ҳамюртлар!

Ҳозирги пайтда темир йўлларда поездлар ҳаракати тиғизлашган, уларнинг тезлиги ортган. Ана шунинг билан боғлиқ темир йўлларда турли бахтсиз ҳодисалар содир бўлиб турибди. Ўтган яқин вақт ичида темир йўл транспорти ҳаракати қоидаларига риоя этмаслик туфайли кўпгина кўнгилсиз воқеалар содир бўлди. 22 киши ҳалок бўлди ва 6 киши оғир тан жароҳати олди. Улар орасида кексалар, болалар ва аёллар бор. Шу ўринда бир савол туғилади. Наҳотки, йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш шунчалик қийин бўлса? Ахир арзимаган бир лоқайдлик туфайли бир умрга мажруҳ бўлиб қолишликни ким ҳам хоҳлайди, дейсиз.

Урта Осиё темир йўлининг Тошкент йўл дистанцияси Тошкент — Ангрен ва Тошкент — Меҳнат оралиқларида аҳолига хизмат кўрсатади. Сизларга мурожаат қиламиз, тез юриб келаётган поездни дарҳол тўхтатиб бўлмайди. Бу Сизнинг, поездда келаётган йўловчиларнинг ҳаётига катта хавф ва қолаверса давлатимизга катта моддий зарардир. Шулар ҳақида чуқур ўйлаб кўринг!

ҚУЙИДАГИ ЙУЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИНГ:

1. Темир йўлларни фақат тегишли белгилар қўйилган жойдагина кесиб ўтинг. Темир йўлни кесиб ўтиш учун кўтарма кўприклар, лаҳмлар, йўлаклардан фойдаланинг.
2. Темир йўлни кесиб ўтаётганда «Йўлдан ўтиш жойи» кўрсаткичи қўйилган жойдан фойдаланинг ва ўтаётганда ҳаракатдаги поезд, локомотив ва вагонлар йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилинг.
3. Темир йўлдан поезд, локомотив ёки вагонлар яқинлашиб келаётганда уларнинг ўтиб кетишини кутиб туринг. Сўнг қарши томондан келаётган поезд йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, йўлни кесиб ўта бошланг.
4. Темир йўлга яқинлашиб келганингизда товушли, чироқли огоҳлантириш белгиларига ҳамда шлагбаум қай ҳолатда турганлигига эътибор беринг. Темир йўлни фақат шлагбаум очиқ вақтдагина кесиб ўтиш мумкин. Шлагбаум мавжуд бўлмаган жойларда темир йўл бўйлаб поездлар ҳаракати йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.
5. Темир йўлларни кесиб ўтаётганда болаларнинг қўлидан ушланг ёки кўтариб олинг. Уларни бир дақиқа ҳам эътиборсиз қолдирманг, темир йўл яқинида ўйнашларига рухсат этманг.

ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ:

1. Темир йўлларда юриш.
2. Поезд яқинлашиб келишига 400 м. қолганда йўлни кесиб ёки чопиб ўтиш.
3. Бир томондан келаётган поездни ўтказиб юборгач, қарама-қарши томондан поезд келаётган ёки келмаётганлигига ишонч ҳосил қилмагунча йўлни кесиб ўтиш.
4. Темир йўлни шлагбаум ёпиқ ва светофор чироғи қизил ёниб турган пайтда кесиб ўтиш.
5. Станцияларда поезд тагидан ва уларни айланиб ўтиш.
6. Темир йўл ёнидан юрганда 5 метрдан кам масофани сақлаш.
7. Темир йўл кўприги ва йўлакларидан ўтилганда пиёдалар учун кўрсатилмаган жойдан юриш.
8. Ёпиқ шлагбаум тагидан ўтиш, шлагбаум ёпилаётганда темир йўлга яқин чиқиш.
9. Электрлаштирилган йўл бўлинмаларида симёғочларга чиқиш ва осилиб ётган симларга қўл тегизиш.
10. Ерда ётган, узилган электр симларига 8 метрдан кам масофада яқин бориш.

Ўз соғлиғингиз, ўз ҳаётингиз — ўз қўлингизда. Уни асранг, авайланг!

В. М. МАШКИН,
Тошкент темир йўли дистанциясининг бошлиғи.

---

Миробод районидаги масъулияти чекланган

**«ДУСТЛИК» ЖАМИЯТИ**

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар бир ой мобайнида қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, К. Цеткин кўчаси, 31-уй.

---

Тошкент шаҳар Бектемир районидаги «Лазурь» ширкати

**ТУГАТИЛАДИ**

Барча даъволар бир ой ичида қабул қилинади.

---

Чилонзор районидаги «Барно» фирмасининг савдо-сотиқ ишларига берилган рухсатнома (лицензия) йўқолганлиги муносабати билан

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**




Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:

ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БУЛИМИ — 33-40-48.

АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БУЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.

● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.

● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси 32. Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.

Нашр кўрсаткичи: Г-118. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.00. 33457 нусҳа босилди. 1 2 3 4 5 6